



ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР АНТРОПОНИМЛАРНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ АСОСЛАРИ

Анданиязова Дилрабо Рўзиқуловна

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), dotsent
andaniyazova1406@gmail.com. Tel. +99890 7881406
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10792183>

ARTICLE INFO

Received: 01st March 2024
Accepted: 06th March 2024
Online: 07th March 2024

KEYWORDS

Ўзбек антропонимикаси,
фанлараро алоқадорлик,
этномаданий омил,
социомаданий омил, полином
антропонимлар, бадиий
матн.

ABSTRACT

Антропонимларда муайян бир этноснинг тарихий ва ижтимоий аҳволи ҳақидаги маълумотлар кодланган бўлади. Шу жумладан, ўзбек халқининг антропонимлари ҳам лингвомаданий жиҳатдан беқиёс маълумотларни ўзида жамлаган воситалардир. Ушбу мақолада туркий халқлар антропонимларини фанлараро алоқадорлик тамойилларида ўрганишнинг аҳамияти, антропонимларда этномаданий омилларнинг ўрни, номларнинг бадиий матндаги хусусиятлари ёритилган.

Ҳозирги ўзбек тилидаги антропонимларни фақат лингвистик нуқтаи назардан эмас, балки фан тармоқларининг махсус методларидан унумли фойдаланган ҳолда тадқиқ этиш тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу борада тарих, адабиёт, халқ оғзаки ижоди, география, археология, этнография, социология, диншунослик, санъатшунослик, маданиятшунослик, ўлкашунослик, мантиқ ва фалсафа каби фанларнинг тилшунослик билан ҳамкорлик қилишидан фақат бир томон эмас, ҳамкорликдаги барча фанлар у ёки бу тарзда муайян ютуққа эришишлари табиийдир. Атоқли тилшунос Шоабдурахмонов бундан 12 йил муқаддам ёзган бир мақоласида бундай манфаатли ҳамкорликнинг заруратини шундай изоҳлаган эди: “Антропонимларни тўплаш ва тадқиқ этиш тилшуносликнигина эмас, фаннинг бошқа соҳаларини ҳам қизиқтириб келмоқда. Антропонимлар физиклар, биологлар, психологларнинг ҳам эътиборини торта бошлади. Улар антропонимларни ташкил этган товушлар ва уларнинг талаффузидаги вибрация (тебраниш), товушларни ифода этувчи ҳарфларнинг алифбо тартибидаги ўрни орқали ном эгаси тақдири, характери, феъл-атвори, жисмоний ва руҳий ҳолатларини билиш мумкинлигини айтмоқдалар. Антропонимлардаги товушлар уйғунлигида муайян бир генетик ва ижтимоий берилувчанлик мавжуд деб ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, бу соҳада биолокация усулида тажрибалар ўтказиб, назарий хулосалар берган Белоруссия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Альберт Вейник ҳар қандай антропонимнинг бахтлилик даражасини аниқлашга муваффақ бўлдики, бу айни вақтда номларнинг матлуб ва номатлуб



бўлиши инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб берди.” (Шоабдурахмонов: 2003, 20.)

Антропонимларни ўрганиш чоғида тўпланган материаллар бир неча қатламда кўздан кечирилади. 1. **Тарихийлик нуқтаи назаридан.** Бунда материалнинг “эскилик-янгилик” жиҳати текширилади. Қайси даврда кўп қўлланилгани, энг эски намунаси қайси манбада, қайси даврда учраши кабилар таҳлилга тортилади. Масалан, *Мелс, Телман, Эрнест, Бернора, Берта, Зоя, Клара, Майя, Марат, Маузер, Московбой, Эльбрус, Флора, Фидель* каби антропонимлар ўзбек жамиятида социополитик мафкуранинг оммалашиши натижасида пайдо бўлган. *Ҳалима, Тамара, Турсуной* каби антропонимлар этномаданий жиҳатдан эски бўлгани билан мамлакат миқёсида оммалашиши ижтимоий ҳаётдаги муайян мафкуравий омиллар билан боғлиқ. (Бу хусусда атрофлича маълумот учун қаранг: Бегматов:2013, 15-20) 2. **Этномаданий жиҳатдан.** Антропонимнинг қайси этноснинг лисоний фондига тааллуқли эканлиги аниқланади. Ономастиканинг халқаро миқёсдаги оммалашган жиҳати шу нуқтада яққол кўринади. Масалан, машхур шахсларнинг исми орқали уларнинг этномаданий мақомини аниқлаш, қайси ирқ, миллат ва элатга мансублигини башорат қилиш амалиёти кўп кузатилади. Бунда, албатта, этимологик таҳлилга мурожаат қилинади. Этимологик жиҳатдан у ёки бу исмнинг қайси миллат тилига мансублиги аниқлаштирилади. 3. **Лингвوماданий жиҳатдан.** Ер юзидаги ҳар бир халқ, сони ва яшаш тарзидан қатъи назар, алоҳида бир маданият ҳисобланади. Ўша маданиятга тааллуқли ҳар қандай унсур аини пайтда лингвوماданий хазинани бойитади. Ономаст олим В.А.Никонов таъкидлаганидек “Антропонимика муайян халқ ҳақида маълумотлар берувчи қимматли манба бўлиб, у ўтмишдаги аҳолининг этник таркиби, маданияти, яшаш тарзи, эътиқодларини ойдинлаштиришга ёрдам беради. Антропонимика этнография, тарих, социология, маданият билан чамбарчас боғлиқдир. (Никонов: 1974, 56.)

Антропонимларда муайян бир шахс ёки этноснинг тарихий ва ижтимоий аҳволи ҳақидаги маълумотлар кодланган бўлади. Шу жумладан, ўзбек халқининг антропонимлари ҳам лингвوماданий жиҳатдан беқиёс маълумотларни ўзида жамлаган воситалардир.

Халқимизда қадимдан фарзандга исм қўйишнинг ўзига хос йўл-йўриқ ва анъаналари мавжуд. Ҳатто диний эътиқоднинг ўзгариши ҳам кўплаб исмларимиздаги ўзимизга хос изларни ўчириб ташлай олмаган. Масалан, *Ойбика, Ойсулув, Ойхон, Қуёшхон, Бўрибой, Бойбўри, Авазхон, Гўрўғли, Бургут, Қалдирғоч, Тойчи, Тангриберди, Ўрмон, Тошбой, Болта, Теша* ва бошқа исмларда ислом динидан олдинги этномаданий мотивлар сақланиб қолган. Бундай исмларнинг генезиси ҳақида номшунос олим Эрнест Бегматов “*Тангриберган, Тангриберди, Тангрикул, Қувончбек, Ойзода, Ойхон* каби исмлар осмон, қуёш ва ой култи билан алоқадор бўлиб, аждодларимизнинг ер ва кўк “тангри”ларга сиғинганлигини яққол кўрсатувчи мисоллардир” деган фикрни илгари сурган эди. (Бегметов: 1965, 18) Туркман тили тарихи бўйича қимматли тадқиқотларни амалга оширган З.Б.Муҳаммедова ҳам бундай исмлар ҳақида ўз фикрини шундай билдирган эди: “Бизнингча, энг қадимий номлар сифатида, табиат ҳодисалари, қуёш, ой, ўсимликлар ва ҳайвонлар номларига бориб тақаладиган антропонимларни ҳисоблаш керак”. (Муҳаммедова: 1973, 45)



Қозоқ халқ антропонимикасини тадқиқ қилган тилшунос Фарида Ашимханова бу хусусда қуйидаги фикрларни илгари сурган: “Исм фарзанд туғилгандан етти кун ўтиб қўйилади. Дастлабки исмлар қулай ва кундалиқ ишлатиладиган сўзлардан танланади. Масалан: *Бўрибай, Қўйлибай, Жетибай, Алтин, Кумис, Кумисбек, Бектай, Барис, Қутжан, Темирбек, Кунбек* ва ҳоказо. Кўриниб турганидек, мазкур исмларнинг қўйилишида этномаданий мотивлар мавжуд. Шунингдек, ой, қуёш, тоғ, дарё, кўл каби табиий жисмларга топиниш билан боғлиқ мифологик тушунчалар негизида шаклланган исмлардир: *Айсулу, Айхан, Айдай, Қунай, Кунбек, Айқун, Таутай, Таубай, Қўлбай, Қўлтай, Бўрибай* ва бошқалар”. (Ашимханова: 2007, 18)

Турк фольклоршуноси Баҳаддин Ўгелнинг “Турк мифологияси” номли китобида туркий халқларнинг келиб чиқиши ҳақидаги дostonлардан сўз юритилади. Келтирилган мисолларда ой ва қуёш билан алоқадор антропонимларнинг генезиси ҳақида ҳам маълумот бор: “Аввал сув, оташ, тупроқ, шамол – тўрт унсур яратилибди. Илк инсон вужудига ана ўша тўрт унсур жойланибди. Тўққиз ой тўлганда бир инсон яралибди. Унинг исмини “Ойота” деб атабди. *Ойота* ва *Ойдада* исми шундан қолганмиш. Одамзоднинг аждоди Ойдан бошланган экан”. (Ўгел: 2006: 479-480)

Туркий халқлар тарихини, борлиқ ва инсон ҳақидаги тасаввурларини, яшаш тарзини, маданиятини ўрганишда қадимий ёзма манбалардан бири бўлмиш “Ўғузнома” асарининг аҳамияти беқиёсдир. Бу асарда туркий халқларнинг фарзандларга исм бериш тарзи билан боғлиқ этномаданий излар сақланган. Бахтиёр Исабек табидаги матндан олинган қуйидаги парчада мазкур анъанани кўришимиз мумкин:

“Қоронғулик босди. Кўкдан бир ёруғ (нур) тушди. Кундан равшанроқ ойдан ялтироқроқ эди. Ўғуз қоғон бориб кўрдиким ушбу ёруғлик ичида бир қиз бор экан. Ёлғиз ўзи ўтирар эди. Жуда кўркам бир қиз эди. Унинг бошида оташ нуридан бўлган ёрқин. Бир холи (менги) бор эди. Худди Олтин қозик юлдузидек эди. Бу қиз шунчалик кўркам эдиким, кулса Кўк Тангри ҳам кулар, йиғласа Кўк Тангри ҳам йиғлар эди. Ўғуз қоғон уни кўриб, ўзидан кетди: қаттиқ севиб қолди. Унинг билан ётди-тилагига етди (қиз) ҳомиладор бўлди. Кунлар ўтиб, тунлар ўтиб кўзи ёриди. Уч ўғил бола туғди. Биринчисига *Кун* деб от қўйдилар. Иккинчисига *Ой* деб от қўйдилар. Учтинчисига *Юлдуз* деб от қўйдилар. Яна бир куни Ўғуз қоғон овга кетди. Бир ўтлоқ орасида дарахтни кўрди. Бу ёғочнинг қавагида бир қиз бўлиб, ёлғиз ўзи ўтирар эди. Яхши, кўркам бир қиз эди. Унинг кўзи кўкдан ҳам кўкроқ эди. Сочлари дарё мавжидай, тишлари инжудай эди. Шунчалик чиройли эдиким: уни кўрган ер инсонлари: “ҳой-ҳой, воҳ-воҳ ўлиб қоламиз” дер, ва сутдан қимизга айланар эдилар. Ўғуз қоғон уни кўргач, ўзидан кетди, юрагига оташ тушди. Уни севиб қолди, олди. У билан ётди. Тилагига етди. Болага (қиз) ҳомиладор бўлди. Кунлар, тунлар ўтиб, сўнг кўзи ёриди. Уч ўғил бола туғди. Биринчисига *Кўк* деб от қўйишди. Иккинчисига *Тоғ* деб от қўйишди. Учтинчисига *Тенгиз* деб от қўйишди. Шундан сўнг Ўғуз қоғон катта тўй берди”. (Ўғузнома: 2007, 14.)

Антропонимлар ижтимоий ҳодиса сифатида социомаданий тадқиқотлар доирасида ўрганилиши зарур. Чунки антропонимлар табиатан жамият аъзоларини бир-биридан ажратиш эҳтиёжидан келиб чиққан. Бу ҳақда Озарбайжон тилшуноси Чобанов шундай фикрни илгари суради: “Исмларнинг тарихи ўша исмни қўллаётган халқнинг тарихи қадардир. Илк инсон жамоаси – оила ва қабила тизими пайдо бўлганда оила ёки қабила



аъзоларини бир-биридан ажратиш, фарзандларни бир-биридан фарқлаш эҳтиёжини туйган. Бошқача айтадиган бўлсак, оилада ёки қабилада яқинлик (унсият) ва узоқлик (мухталиф) муносабатида бўлган кишиларни ўзаро фарқлаш эҳтиёжи ўртага чиқади. Бу эҳтиёжни қопламоқ учун жамоадаги кишиларга турлича мурожаат қилиш керак бўлган ва ҳар бирига алоҳида ном бериш заруратга айланган. Исmlар кишилик жамиятининг пайдо бўлиши билан ўртага чиққан ва жамият тараққиётининг барча босқичларида жамият билан бирга инкишоф этмоқдадир. Демак, антропонимлар халқ тарихи билан чамбарчас ҳолда шаклланади”. (Чобанов: 1983,10)

Фанда **полиним антропоним** тушунчаси мавжуд. Жонли тилда бир кишига оид бир неча исмнинг қўлланилиши кўп кузатилади. Бошқача айтганда, кишининг расмий ва ғайри расмий исmlарининг жами полиним антропонимларни ташкил қилади. Масалан, кўп ҳолларда кишининг асл исми ўрнига оиладан кимдир эркалаб ёки турли этномаданий сабаблар туфайли фарқли исм билан атайти ва шу ном унинг исмига айланиб кетади. (Чобанов: 1983, 46)

Халқимизда дин пешволари, азиз авлиё ва анбиёларнинг, саҳобаи киромларнинг исmlарига ҳам алоҳида ҳурмат кўрсатилади. Мазкур шахсларнинг исmlари олдидан ёки исмидан сўнг, ҳазрат, ҳазратим, хожа, хожаи, пир, пирим каби изоҳловчиларнинг келтирилиши ана шундай этномаданий мотивация билан изоҳланади. Тилшунос А. Омонтурдиев қайд қилинган диссертациясида мазкур ҳолатни табу ва эвфемалаштириш натижасида ҳосил бўлганлигини таъкидлайди: “Нутқнинг этик-эстетик талаб нормаси табулаштирилган, очиқ ёки тўғридан-тўғри тилга олиш ноқулай бўлган воқеликлар, хусусан, энг кўп мурожаат воситаларининг эвфемалаштирилишига асос бўлади”. (Омонтурдиев: 2009, 49)

Олим фикрини тасдиқлаш учун қуйидаги мисолни келтиради: “Бу зот эл орасида *Баҳоуддин Балогардон, Баҳоуддин пирим, Девонаи Баҳоуддин, Девонаи Баҳоуддини Бухорий*; уламо ва авлиёлар орасида *Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд, Шайх Баҳоуддин, Ҳазрати эшон, Хожаи бузруг* исmlари билан машҳур. Ул зотни шогирдлари, замондошлари ва бутун халқ пирнинг асл номини тилга олишни беодоблик ҳисоблаб, *Ҳазрати хожа, Ҳазрат хожаи* деб улуғлардилар”. (Боқир: 1993, 208)

Келтирилган парчадан кўриниб турибдики, полиним антропонимнинг ўртага чиқиши мазкур шахсга нисбатан ҳурматнинг баландлиги билан боғлиқ. Яъни бу ерда табу ва эвфемия бевосита сабаб бўлмайди. Кўп исмлиликнинг ўртага чиқишига мурожаат воситаларининг эвфемалаштирилишини сабаб қилиб кўрсатадиган бўлсак, табу ва эвфемалаштиришнинг ўзига нима сабаб бўлган деган ҳақли савол туғилади. Айтиш мумкинки, халқ суперсоциум сифатида муайян этномаданий қолиплар, қоидалар, анъана ва расм-русmlар доирасида ҳаракатланади. Жамиятдаги алоҳида кишиларга кўрсатиладиган юксак ҳурмат баъзан мурожаат воситаларининг эвфемалаштирилишига ҳам йўл очади. Буни юқоридаги мисолда кўришимиз мумкин.

Бу деярли барча халқларда мавжуд ҳодисадир. “Сўз магияси билан боғлиқ одамнинг чин отини яшириш – табулаштириш, шу сабаб лақаб бериш Европа халқларида ҳам кучли бўлган. В.Н.Перетрухин ёзади: “Русларда ҳам чўқинтириш пайтида христианча ном беришдан ташқари, лақаб (норасмий ном) билан аташ одати узоқ давом этган. Баъзида одамнинг учта номи (лақаб ва иккита христианча ном)



бўлган: бири ошкор, кейингилари яширин. Яширин номи фақат болани попга олиб борган шахс ва унинг энг яқин кишиларига маълум бўлган. Бунда боланинг чин номи уни ёмон кўзлардан, касалликлардан сақлаш учун яширилган. Шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, ҳамма танишлари Дмитрий деб юрган одам ўлганда –дафн вақтида поп унинг номини Федот деб тилга олади. Шундагина кишилар мархум Дмитрий эмас, Федот эканлигини эслашади”. (Омонтурдиев: 2009, 40).

Туркий халқларда ҳам мазкур ҳодиса кенг тарқалган бўлиб тадқиқотчилар эътиборидан назарда қолмаганлигини таъкидлашимиз мумкин. Масалан, Чобанов бунга оид бир неча далилни келтиради. “Бир шаҳарда янги туғилган фарзандга *Биннат* исми берилади. Бу исм барча расмий ҳужжатларда қайд қилинади. Лекин бу фарзанд оила даврасида рангининг қорамтирлигидан келиб чиқиб Гара (Қора) деб эрқаланади ва бола маҳалла-куйда ҳам шу исм билан танилади. Гара вояга етиб оила қуради. Ҳамма Гаранинг асл исмини унутиб юборади. Бир сабаб билан юқори ташкилотлардан шаҳар кенгашига мазкур киши ҳақида маълумот сўраб ёзилган хат келади. Масъул кишилар текшириб кўриб бундай кишининг шаҳарда истиқомат қилмаслиги ҳақида юқори ташкилотга жавоб ёзишади. Бошқа бир мисол, ўзим дарс берган мактабда Илёс исмли бир ўқувчи бор эди. Ҳамма уни шу ном билан чақирар, журналларга ҳам айна исм билан қайд қилинар эди. Шаҳодатномаларни имзолаш пайти Княз исми эътиборимни тортди. Дастлаб, бошқа мактабдан келган янги ўқувчи бўлса керак деб ўйладим. Суриштирсам, Илёснинг расмий исми экан”. (Чобанов: 1983, 46)

А.Омонтурдиев “кўп исмлилик” ҳодисасини ўз тадқиқотида эвфемияга боғлаб тушунтиради. Туркий халқларда ном беришнинг одатдаги тартиб ва талабидан ташқари, қуйидаги сабаблари ҳам мавжуд: а) расмий ном билан яшаётган бола ёки ўсмир сурункали касал бўлаверса, “номни кўтаролмади” деб ўзгартирилади. Натижада, бола қўшалоқ номга эга бўлиб қолади. Бу номнинг иккинчиси сақловчи ном сифатида фаоллашиб кетади; б) оилада бола туравермаса, туғилиб ўлаверса, навбатдаги туғилган чақалоққа, ўғил-қизлигидан қатъи назар, *Ўлмас*, *Турсун*, *Турғун*, *Умрзоқ*, *Сотиболди*, *Худойберди*, *Яшар*, *Турдибой*, *Тоштемир*, *Бўри*, *Арслон* каби исмлар қўйилади. (Омонтурдиев: 2009, 39)

Бошқа бир туркий халқ бўлган туваларнинг исм қўйиш одатида ҳам полиним антропонимларни юзага келтирувчи этномаданий омил мавжудлигини қуйидаги мисолдан кўришимиз мумкин: “С.П.Вайнштейн жуда кўпгина халқларда, жумладан, Тува тилида учрайдиган атоқли отларнинг кўпчилиги оилада болаларнинг ўлими туфайли ёмон руҳлардан сақлаш маъносида уларнинг номи тилга олинмаган ёки “кўча” номлари қўйилган, унинг бирор хусусияти ҳисобга олинган. Масалан, *Чимит*, *Ўлмас*, *Ўғил бола*, *Қиз*, *Мерган*, *Чечак* каби. Бу одат дунёнинг кўпгина халқларида борлиги, хотин эри ва унинг қариндош уруғларининг номларини айтмаслигини ёзган”. (Омонтурдиев: 2009, 16).

Қозоқ тилшуноси С.Аманжолов антропонимларнинг этномаданий хусусиятлари ҳақидаги бир мақоласида: “Муайян бир халқни танишнинг энг осон йўли ўша халқнинг ўз фарзандларига қўйган исмларини ва исмларнинг қўйилиш сабабларини ўрганишдир.” (Аманжолов: 2002, 368) Бошқа бир қозоқ тилшуноси Қ.Жубанов антропонимларнинг этномаданий жиҳатини англаш учун қозоқ оилаларидаги бир



анъанага эътибор қаратиш кераклигини таъкидлар экан, кишининг қайси оилага мансублигини кўрсатадиган қадимий одат – аллитерация ва ассонансга асосланган “уйқаш номлаш тамойили” бугунги кунда ҳам яхши сақланганлигини айтади. Масалан, *Опа – Сапа, Шамғали – Муфтиғали* каби. (Жубанов: 1966, 98.)

Дарҳақиқат, антропонимларнинг этномаданий асосини ўрганиш орқали ҳозирги ҳолатини янада аниқ тасаввур қилишимиз мумкин бўлади. Ҳатто бугунги кунда истеъмолдан бутунлай чиқиб кетган баъзи сўзлар, баъзи маънолар, баъзи тушунчалар ҳам антропонимик фондда у ёки бу шаклда сақланиб қолган. Масалан: *Аваз, Бўдин, Ҳубби, Қаюмар* ва ҳоказо.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳар бир халқда янги туғилган фарзандга исм кўйишнинг ўзига хос одат ва анъаналари мавжуд бўлади. Ономастиканинг энг катта бирликларидан бўлган антропонимларда муайян бир шахс ёки этноснинг тарихий ва ижтимоий аҳволи ҳақидаги маълумотлар, маълум бир халқнинг миллий-маънавий дунёси, олам ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурларидан таркиб топган ахборотлар кодланган бўлади. Шу жумладан, ўзбек халқининг антропонимлари ҳам лингвомаданий жиҳатдан беқиёс маълумотларни ўзида жамлаган воситалардир. Айниқса, бундай воситаларнинг бадий асарда қўлланилиши ўзига хос қонуниятларни намоён қилади. Бадий асарлардаги антропонимларни тадқиқ қилишда атоқли отлар замиридаги этномаданий изларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чунки атоқли отлар миллатни ўтмишдан келажакка боғловчи мустаҳкам, айна пайтда, қилдан нозик кўприқларидир.

References:

1. Аманжолов С. Қазақ тили теориясынын негиздери. – Алматы, 2002.
2. Ашимханова Ф.М. Қазақ тилиндеги антропонимдердинг лингвомедени жуйеси. Филол. фанлари канд. ...дисс. Алмати, 2007
3. Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013.
4. Бегметов Э. Антропонимика узбекского языка. –Ташкент, 1965.
5. Боқир М. Баҳоуддин Балогардон. –Тошкент: Ёзувчи, 1993.
6. Вайнштейн С.П. Личные имено-термины родства и прозвища у тувинцев // Ономастика. – Москва: Наука, 1969.
7. Горнакова Л.Ю. Лингвопоэтика. Ономастикон текста. //Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей. Отв. ред. В. В. Красных, А. И. Изотов. -М.:МАКС Пресс, 2008. Вып. 36.
8. Жанпеисов Е. Этнокультурная лексика казахского языка (на материалах произведений М.Ауезова). – Алма-Ата: Наука, 1989. – 175 б.
9. Жубанов К. Исследования по казахскому языку. - Алма-Ата, 1966.
10. Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008.
11. Махпиров В.У. Имена далеких предков. – Алматы, 1997, – С. 302.
12. Мухаммедова З.Б. Исследование по истории туркменского языка XI-XIV вв. – Ашхабад, 1973.
13. Никонов В.А. Имя и общество. –Москва: Наука, 1974.



14. Омакаева. Э.У. Триада “язык - культура – этнос” сквозь призму антропониимии: калмыцкие личные имена в контексте буддийской культуры. //Вестник Калмыцкого института гуманитарных исследований РАН. №2. 2008.
15. Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида) Филол. фанлари док. ...дисс. – Тошкент, 2009.
16. Ўғузнома. Нашрга тай.: Бахтиёр Исабек. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007.
17. Чобанов М.Н. Азарбайжан антропонимиясинин асаслари. – Тбилиси: Ганатлеба, 1983.
18. Шоабдурахмонов Ш. Антропонимик формантларнинг таркибий- функционал ривожига ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2003.– №4.
19. Ögel B. Türk Mitolojisi. I. Cilt. Ankara, 2006.